



ЭШЛОҒИ

Ўзбекистон комсомол-
эшлари рўномаси

1991 йил
25 май
Шанба

№ 79 (13.754)

Баҳоси:
Обуначига — 6 тийин,
Сотувага — 10 тийин.

• АССАЛОМУ АЛАЙКУМ, АЗИЗ МУШТАРИЙ!

• السلام عليكم، عزيزي مشتری!

Барчани ўз доирасига ўйиниб, бир заминда — одамлар тургани ҳозирги кунда давр ўстига чиқиб бўлмади. Иккинчида, бозор шароитида ҳар бирини учун энг асосий манба ҳисобланган — вақтинча ўйиниб, айни кундаги ҳаётнинг қанчалигини, ҳар қандайдир «йўл ҳақини» тўлашлар, бўлмас... дегувариб, йўловчилар асабини қаматишни-чи, ўз йўловчилар... билмадики, нима деб айтишни тўлашнинг қонини кеттирилди.

Ҳўш, бундай асабдорликдан кутулишни кўришни борганимиз Бор бўлса, турмушга тазроқ жорий бўлади. Бўлмас, барчанинг биргалашиб боти қотиралиқ, тақлифлар бўлса марҳамат. Ахир қанонга бундай аҳволга чидаб юрверамиз!

Бозор иқтисодиёти или қўриқчиларнинг турмушга жорий этилганга ники ой бўлмоқда. Бу давр мобайнида транспорт хизматида нима ўзгариш йўлига ҳақининг уч ҳисса охиш кетганини ҳисобга олмаганда, ҳеч нарса. Ҳаммаси ўша-ўша, Бекатда автобусларнинг гоҳо соғлаб кутиб қоласиз, гоҳида трамвай ё троллейбуслар гала-гала бўлиб келишади. Вақоликчи, бозор муносабатидидаги шароитда моддий манфаатдорлик хизматиинг сифатида қараб ўзгаришни керак.

Барчанинг маълумки, пойтахт шаҳар жамоат транспорт хизмати нш услубини ники-уч бор ўзгартирди. Бирок...
Аваллари автобусларда кондукторлар патта сотарди. Бу усул ўзини оқламади. Улар «йўқ қилди». Сўнг ҳар бир бекатда сон-саноксиз назоратчилар «қизғини» фаолият олиб боришадиган бўлишди. Бу усул ҳам кўп ўнмай ўз хотимасини топди. Негани, ҳалик ҳаззабга учради. Чунки уларнинг никини мошини, балки олдидан мукофот пуллари ҳам йўловчиларни талашига боғлиқ қилиб қўйилганди.

Яқин бир ярим йилдирки, ҳайдовчилар ижара усулида ишлашмоқда. Бу бир томондан ҳайдовчилар учун яқин, Улар бироз бўлса-да, эрини ишлаш қўқумга эга бўлишди. Чўнати ҳам пулга ёлқиди. Аммо хизмат кўрсатиш маде-

Ошқора фикр

уларнинг жамоат транспортидидаги ўзгариш қилинган бўлиб, фойдаланилган патталар ўзига хос лотерея вазифининг ҳам бақаради. Ўзини ҳар ой охирида патта номерлари бўйича ютуқли лотерея тиражи, йил охирида эса йиллик патталар ютуқли ўйини (албатта, фойдаланилган патталар ва олий карточчалар ўйналади) ўтказилади. Уйда худди одатдаги лотерея каби турли ютуқларини умуман ташлаб юбормайдилар, йилнинг охирида ва йил охиригача сақлайдилар.

Мазкур тажриба, биринчидан, шаҳар озолигига катта улуш бўлиб қўшилган. Иккинчидан, транспортда паттасиз юрвчиларнинг умуман пайи қирчилган. Учинчидан, жамоат транспортда юрвчилар сонини аввалгига нисбатан сезиларли даражада кўпайган. Тўртинчидан, йўловчилар вақтини тежаш билан бирга уларга юксак хизмат кўрсатиш маданиятига эришилган. Чунки автобус бекатга келгани ҳамоно неча эшиги бўлса, барчаси тенг очилди ва йўловчиларга яқин кайфият билан бирга омад тиланди.

Қиссадан ҳисса қилиб шунини айтмоқчиманки, шаҳарда транспорт хизмати кўрсатиш маданиятини тубдан ўзгартариш ва юксалтириш юзасидан тақлифим бор. Бунда ҳам Малъта жамоат транспорт Ассоциацияси каби ҳар ойда бўлмаса-да, уч ойда бир фойдаланилган патталарнинг ютуқли ўйини ўтказилса, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунда бозор муносабатлари шароитида жамоат транспорт хизматида ўзига хос йўл танланган бўларди, бундан ташқари ҳайдовчилар дўқ-пўписасидан толиққан асабларга бироз бўлса-да, тиничлик, осойишталик бахш этарди. Ютуқлар тиражи учун маблаг масаласига келсан, уни ички резервлардан қидириб топиш мумкин. Масалан, транспортларда турли корхона ва ташкилотлар ишлаб чиқарган маҳсулотларини реклама қилиш йўли билан, қўйиники, бунинг йўллари мендан кўра ўша соҳа мутасаддилари яқинроқ билишади. Ҳар ҳолда янги иқтисодий шароитнинг ўзи ҳам амалда шуларни тақозо этади.

Алимқул СУЛТОН,
журналист.

Ж. БУШНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● АҚШ Президенти Жорж Буш Совет Иттифоқи билан қўрол-яроғлар устидан назорат юзасидан музокаралар «муваффақиятли ўтганлигини» таъкидлади. Оқ уй бошлиғи сўзчи...



Жарангла, йўлларим бўлсин оқ,
Сўнги қўнғироқ.
Қалбим қирларида жарангла,
Жарангла, болалик юртида.
Сени тушунганлар бедору, уйғоқ
Сўнги қўнғироқ.
(2-бетда «Синфдошлар» саҳифасининг навбатдаги сони берилмоқда).

Сенинг бегубор кулгинга замоннинг ҳаваси келсин!
Ингоҳиндан нисонч, қувонч, бағтирлигини илғадик. Охири билан бўлсин, Уруш тўлоқини, ҳасаду йлгонларини одатга айлантган катталар сенга яқинроқ назар солсалар, интиларидан қайтармайдилар, БОЛАЛИК! Покиликни сенда билмади, гўзаллик — сенда.
Бугундан таштилар бошланган. Лекин, болаликнинг ўзи таътил, Сершовқини, сартавиш кўнлардан аввалги таътил, Катта бўлишга шошади...
Сизга суратдан қулб қараб турган бу қизча еттинчи синф битирувчиси Дано Бобова. У Самарқанд вилоятининг Оқтош шаҳридаги 2-ўрта мактабда таҳсил олади. Таътил кўнлари шаҳар маданият уйи қошида ташкил топган «Ўйна, қизалоқ», «Ўзвон» дасталарида ўз санъатини намоиш этмоқчи.

Т. НОРКУЛ тасвирга туширган.



XX АСР КУНДАЛИГИ

Ўзбекистон ва Қирғизистон халқларига МУРОЖААТНОМА

Ҳурматли ватандошлар!

Азиз оталар ва оналар, ака-укалар ва опа-сингиллар!

Биз, икки жумҳурият раҳбарлари 1990 йил июнидаги фоидали воқеалар бир йиллигида беғуноҳ ҳалок бўлганларни хотирлаб, сизлар билан биргалликда қайғурмоқдамиз, уларнинг хотираси олдидан бош ағамиз ва барча жабр-диддаларга, зуравонликка дуч келганларга самимий ва чуқур ҳамдардлик билдирамыз.

Биз шунини қатъий айтмакчимиз, юз берган воқеада қирғиз халқи ҳам, ўзбек халқи ҳам айбдор эмас. Биз барча аҳолига, айниқса, икки жумҳурият эшларига муурожаат қилиб, уларни сабр-бардошли бўлишга, бир дақиқали нафрат ва ҳис ҳаяжонларга берилмасликка чақирамыз.

Фоидали воқеаларнинг ўз сабаблари бор. уларнинг илдизлари қолоқ иқтисодийта, аҳоли турмуш даражасининг паслигига, маънавий қадриятларнинг, ижтимоий ахлоқ ва одобнинг бузилганлигига бориб тақалади. Бундай вазиятда кўп одамлар, айниқса, ёшлар илорча ва ноилж аҳолига тушиб қолди, эртани кунга ишончсини йўқота бошладилар. Қон қулар қор қилини қилди. Оналар ва рафиқаларнинг аччиқ кўз ёшларини, эркакларнинг қаҳри қозларини хали ҳам кўриб турибмиз, ўша даҳшатлар хали ҳам болавларнинг кўз ўнгидан кетмади. Қалблардаги аччиқ аламлар хали ўтиб кетгани йўқ, жудоликка хали ҳамма ҳам қўниққан эмас. Шунга қарамай халқларимизга хос бўлган сабр-бардош ва доволик кўрсатиб, бардам бўлишимиз керак, алам ва ғазаб билан тинчлик ва осойишталикни тиклаб бўлмайди. Фақат ярашчи, тоғулик ва ҳамжиҳатлигини хотиржам ишлаш ва яшаб, келажакка ишонч билан қараш имконини беришини ёдда тутиб керак. Бундан бошқа йўл йўқ.

Қирғизистон жумҳуриятида бузилган иморатларни тиклаш, аҳолига етказилган зарарни тўлаш, фоидали воқеаларнинг айбдорларини жавобгарликка тортиш вазиятини изга солиш юзасидан зарур чоралар қўрилноқда. Бунда Ўзбекистон меҳнатқашлари катта ёрдам бермоқдалар. Лекин бу борада яна кўп иш қилишга тўғри келади.

Экстремизм ва миллатчилик қўриқчиларига қарши муросасиз курашиб келганлигимиз ва бундан бўён ҳам кураш олиб боришимиз, одамларнинг осойишталиги ва хавфсизлигини таъминлашни ўзинининг бош вазифамиз деб ҳисоблашимизни биз яна бир бор қатъий билан таъкидлаймиз.

Ўзбеклар ва қирғизлар қардош халқлардир. уларнинг дини ҳам бир, минг йиллик тарихи ҳам муштарак, тиллари ва анъаналари ҳам ўхшаш. Шу қардош халқларнинг ўзаро муносабатларида ҳамма нарса чамбарчас боғлиқдир, уларни бир-биридан ажратиб ташлашга уриниш — қонқардошларни бир-биридан ажратишга уринишдир.

Ҳозирги пайтда халқларимиз ўртасида тинчлик, дустели, ўзаро мадад ҳар қачонгидан ҳам зарур. Бизни кутатган оғир синваларга фақат биргалликда куч-ғайрат сарфлаш билангина бардош бера оламиз. Бунинг учун муштарак замин яратилган.

1991 йил март ойда Ўш шаҳрида Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳурияси билан Қирғизистон Жумҳурияси ўртасида дустелик ва ҳамкорлик тўғрисида шартнома имзоланди. Бу шартнома икки халқ, икки мустақил жумҳуриянинг ўзаро муносабатларини янги босқичга кўтарди ва катта истиқболлар очиб берди. Шартнома одамларимизнинг муносоиб турмушини таъминлаш учун сўғай-ҳаракатларни бирлаштиришни, кучини яна куч қўшилиши лозим, Келинлар, ана шу олжаноб мақсад йўлида шу шартнома руҳида биргалликда яшайлик ва меҳнат қилайлик.

Ўзбекистон Совет Социалистик Жумҳуриясининг Президенти **Н. А. КАРИМОВ.**
Қирғизистон Жумҳуриясининг Президенти **А. АКАЕВ.**

Ўзбекистон ЛКЕИ МҚ Бюросида

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Кўмитасининг навбатдаги Бюро мажлисида йўвчилар комсомол ташкилотларидаги аҳвол, жумҳурият мактаб комсомоллигининг муаммолари кўриб чиқилди. Бугун йўвчи ёшлар орасида комсомол аъзолари сони тобора камайиб бораётган бир вазиятда комсомол кўмиталари ўқув даргоҳларида бошланғичларни ташкилий-сиёсий жиҳатдан муштараклаш учун деярли ҳеч нарса қилмаётганлар.

Шунинг учун Бюро йўвчи ёшлар билан ишлашни котиблар лавозимини тиклаш, кадрлар масаласини тўғри ҳал қилишнинг янги иқтисодий шароитини топиш, бу ишнинг маблаг билан таъминлаш масаласини Марказий пленумига кўриб чиқиш лозим, деб топди.

Йўвчи ёшлар билан ишлаш, комсомолни тарғибот қилиш вилот комсомол кўмиталарига фаолиятнинг асосий йўналишларида бири сифатида таъсис қилинди.
Жумҳурият комсомолни ривожлантириш концепцияси лойиҳасини Марказийнинг III пленумига кўриб чиқиш учун киритишга қарор қилинди.

Марказий Бюроси Ўзбекистон комсомолдаги ахборот-техника ишлари истиқболини хусусидан масалани муҳокама қилди. Жумҳурият комсомолни ахборотлаштириш концепцияси қабул қилинди. Бир неча босқичли компьютер тармоғини тузиш режаси та-

дикланди.
Ўзбекистон ЛКЕИ Ҳаракатномасини рўйжа чикариш учун Ўзбекистон ЛКЕИ МҚ Бюроси Ўзбекистон ССЖ ижтимоий-давлат Эшлар жамғармасининг таъсисчиси бўлиб чиқиш тўғрисида қарор қабул қилди. МҚ котибиятига жамғармани тузиш тўғрисида тарғиб қилиш, бошқа таъсисчилар билан бирга жамғарма Уставини ишлаб чиқиш ва таъкидлаш; унинг рўйхатдан ўтишини таъминлашни топширди.

БКЕИнинг марказлашган маблаглари ҳисобига Наманган вилоятида ижтимоий хизматнинг илмий асосланган модулларини жорий этиш бўйича тажриба ишлари ўтказиш тўғрисида БКЕИ Марказий Кўмитасига тақлиф киритишга қарор қилинди.

Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Кўмитасининг II пленуми қарорига мувофиқ комсомол кўмиталари хузурида тузилган хўжалик ҳисобидида тузилмаларнинг тижорат фаолиятини ривожлантириш учун вилот комсомол кўмиталарига қисқа муддатли қаралар бериш зарурлиги эътироф этилди. Бу мақсадларга уч миллион сўм ажратилди.

Жумҳуриятимизнинг табиий оғдатдан зарар кўрган вилотларидидаги ёшлар, ёш оналарга моддий ёрдам кўрсатиш сўраб Ўзбекистон ЛКЕИ МҚ Бюроси номидан БКЕИ Марказий Кўмитасига ваъзланган хат қабул қилинди.

Бугун эртани ўйламасақ...

Бозор муносабатларининг ривожланиши, шубҳасиз, бир маромдаги ташқи иқтисодий алоқаларга суънади. Бу алоқалар ўз навбатида жаҳон амалиётини ҳисобга олган ҳолда ва давлатлараро алоқаларни ташкил этиш бўйича халқаро практикада маъжуд бўлган шартнома ҳамда битимлар негизига қурилади.

Ўзбекистон иқтисодчилар йўлининг Тошкент халқ бўжалиги олий билимгоҳида бўлиб ўтган навбатдаги мажлиси шу масалаларга бағишланди. Мажлиснинг клуб президенти, ЎзССЖ халқ депутати, жумҳурият ФА муҳбир аъзоси, олий билимгоҳ ректори С. Ғуломов қисқача кириш сўзи билан очди.

Мажлисда Тошкент халқ бўжалиги олий билимгоҳи кафедралари муdiri, иқтисод фаилари номзоди, давлат Д. Ғозиевон ҳамда депутат рена кўмитаси қўшма иқтисодий кўмитасининг иқтисод масалалари бўйича маълаҳатчиси А. Алимовнинг «Ўзбекистон ССЖда хорижий инвестициялар тўғриси-

да» Қонуни лойиҳасининг асосий қондалари юзасидан маърузалари тингиланди.

Маърузачилар хорижий инвестиция тўғрисидаги Қонунни зудлик билан қабул қилиш зарурлигини таъкидладилар. Лекин Олий Мажлис муҳокамасига қўйилганга қадар бу лойиҳа олимлар, мухтаassisлар ҳамда нег илтий жамоатчиларнинг ўртасида ақли шундай муҳокаманинг алий иштирокчилари бўлишди. Давлат режа кўмитаси раиси В. С. Ҳамидов, халқ бўжалиги олий билимгоҳи халқаро валюта-кредит муносабатлари кафедраси муdiri С. Вериканов ва бошқалар ўз фикр-мулоҳазаларини баён этдилар.

Мажлисда, шунингдек, «Ўзбекистон ССЖда ташқи иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси ҳам муҳокама қилинди.
(Ўз муҳбиримиз).

Жиддий шикаст етган бўлса-да...

Шу йилнинг 18—19 май кўнлари Наманган вилоятининг бир қанча ноҳияларида, хусусан Тўрақўрғонда кучли ёмғир ёғиб, сел келди. Айрим жойларга дўл ёғди. Ноҳиянинг Нортена, Холматов номли қишлоқ шўролари, шунингдек, Тўрақўрғон шаҳрининг бир қисми табиий оғдатдан жиддий шикастланди. Ҳозирги ҳисоб-китобларга кўра 5700 хонадон зарар кўрган. Ана шунинг 70 тасини бутунлай қайта тиклаш керак.

Ноҳиянинг 7800 гектар пахта, 1000 гектардан ортиқ дон, 400 гектардан ортиқ сабаовот-полиэ, 1100 гектардан ортиқ ем-хашак экан майдонлари зарар кўрди. Қанчадан-қанча минерал ва маҳаллий ўғитларни сел оқими сўриб кетди. Қишлоқ шўролари худудидидаги катта-кичи қўриқларнинг баъзилари ишдан чиғди. Шу жумладан, ички хўжалик йўллари ҳам, 450 қўти пилла, 5 минг парранда нобуд бўлди. Шунинг, одамларга энди-ахурақ етмади. Ноҳия бўйича қирғилган умумий зарар 22 миллион 900 миң сўмдан ошди. Гарчида табиий оғдат катта зарар етказган бўлса-да, одамларнинг руҳи тетин. Барча иш билан банд, Қишлоқ хўжалик экишлари парваршига зўр берилмоқда. Уй-жойлар қурилиши жадал давом этаётти. Вилот барча қурилиш трестларининг бўйинмалари ноҳиядаги қурилиш ишларида ҳисса қўшаётти.

Бугун тонгда ҳаво очиди. Лекин туша янги кўк юзини кўюқ будуд қоплади. Кучди ёмғир ёғди. Кечга томон ҳаво очилиб кетди.

Ҳовир ноҳияга ёрдам пуллари келмоқда. Жумҳурият Нарвў фондида 28,5 миң, вилот ижроия қўмитаси молий ёрдам фондида 16 миң сўм пул зарар кўрган аҳолига тарқатилган. Вошда ноҳиялардан ва Наманган шаҳар аҳолиси табиий оғдатдан зарар кўрганлар ҳисобига пул ўтказмоқдалар.

Одамлар эртани кунга умид билан қарамоқдалар.

Сиз орқали «Еш лоғинчи» маҳсулу муҳбири Забўддин ОРТИҚХУҲАЕВ ҳабер қилди.

Партия бошқа жамоат ташкилотлари билан фаол ҳамкорлик қилиш ниътида.
Рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳномаини топшириш маросимида Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитаси Бюросининг аъзолари, Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг ва Марказий Назорат комиссиясининг аъзолари, партия фахрийлари, жумҳурият оммавий ахборот воситаларининг вакиллари иштирок этдилар.

Ўзбекистон Компартияси рўйхатга олинди

24 май кунин Ўзбекистон ССЖ Адлия вазирлигида Ўзбекистон Коммунистик партиясининг Устави рўйхатга олинди.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Кўмитасининг иккинчи котиби А. С. Ефимов рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома топширилиши муносабати билан нутқ сўзлаб, Компартия ҳозир жумҳуриятдаги энг оммавий сиёсий ташкилот эканлигини таъкидлади. Ўзбекистон Компартиясининг XXII съездида қабул қилинган Устави ва Ҳаракат дастури коммунистларнинг жамиятдаги ролини оширишга, ижтимоий-сиёсий турмушини барқарорлаштиришга қаратилган.

Талабалар қабул қилинди

Ўзбекистон Ешлар ташкилотлари кўмитасида Африка озолиги кунин муносабати билан Тошкентда таҳсил олаётган африқалик талабалардан бир гуруҳи қабул қилинди.

Пойтахт олий ўқув юртиларда Африка қитъасининг 29 мамлакатидан 750 нафардан ортиқ талаба ва аспирантлар таҳсил олади. Учрашувда пойтахт ва олий ўқув юртилари комсомол кўмиталари котиблари ҳам иштирок этдилар. Улар хориқлик талабалар билан ишлаш тажрибалари ҳамда келгуси режалари хусусида сўзлаб беришди.

Кимошди савдоси

Бухоро вилот ижроия кўмитаси автомобиллар кимошди савдосини ташкил қилиб, ярим миллион сўмдан кўпроқ фойда олди. Кимошди савдоси шаҳар стадионида ўтказилди. Савдода қатнашиш учун миң кишидан кўпроқ одам тўпланди. Бу ерда «Москвич—412» автомобилналари, «Ижигуайнинг» уч тури сотилди.

Тўпланганлар «Москвичга қизикчмади. Лекин «ВАЗ—2106»ларнинг бошлас давлат нарҳидан анча юкори нарҳда — 57—58 миң сўмдан сотилди. Икита «Обвини» харидорлар 61 ва 63 миң сўмга олшиди, «Обулар учун кураш, айниқса, қизғин тўли олд. Улар 77 ва 80 миң сўмдан сотилди.

Бухоро вилот ижроия кўмитасида ҳабер қилишларига, тушган маблагининг асарият қисми хайрия мақсадларига сарфланди.
(ЎТАГ муҳбири)

СССЖ Адлия вазирлигида бир қанча жамоат ташкилотлари рўйхатга олинди. Жульдадан Уруш фахрийлари шўро кўмитаси, Чет мамлакатлар билан дустелик ва маданий алоқа шўро жамиятлари уюмаси, Шўро маданият жамғармаси, Театр режиссёрлари уюмаси, ССЖИ индустриалар академияси, ССЖИ спортчилари уюмаси, Бутуниттифоқ иқтисодий жамияти, Милицияга кўмак-

АСАБНИ БУЗМАЙЛИК, КЕРАК БЎЛАДИ

(ЖАМОАТ ТРАНСПОРТИ ХИЗМАТИ МУТАСАДДИЛАРИ ДИҚҚАТИГА)

Хурматли муштарий, сарлаҳамки ўқиб оқиб автобус ё трамвай ёки троллейбуслардаги машаққатли кўз олдига келган бўлса ажаб эмас. Дарҳақиқат, сезиб туришми, ҳаёлингизга ўша одат тусига кириб қолган машаққатлардан бошқа ҳеч нарса қолмаганини, тавба, не кунларга қолдики, жамоат транспортида юришдан юраклар зада. Сабоби не экан, дейишимиз ўзи ётиқ эмас. Негаки, сабаби барчамизга аён, яъни ҳайдовчи мадда бўйича қатнаш ўқиб оқиб, ҳатто барчамиз ўз доирасига ўйиниб, бир экинчи — олддан туншига мажбур этакда. Бу шунданми асаблар таранг турган қозирги кунда дард устига чиқиб бўлмади. Иккинчидан, булар шариқатда ҳар биримиз учун энг асосий манба ҳисобланган — вақтимиз ўтиришмоқда. Бу ҳам қамқил қилганидек, ҳар дақиқада «Йўл ҳақини тўлашлар, бўлмас...» деганлар, йўловчилар асабини қашатиш-чи. Гўё йўловчилар... билмадик нима деб ташани тўламай тушиб қочиб кетадилар.

Ҳўш, бундай асаббузарликдан қутулишимизнинг йўли борми? Бор бўлса, турмушга теزроқ жорий этилайми. Бўлмас, барчамиз биргаликда беш қотарайлик, тақрифлар бўлса марҳамат. Ахир қанонга бундай аҳолига чидаб юрмасамиз!

Бозор нисбатидан илҳи кўришилари-нинг турмушга жорий этилганига икки ой бўлмоқда. Бу давр мобайнида транспорт хизматида нима ўзгарди? Йўл ҳақини ўқиб оқиб ҳисса олиб кетганини ҳисобга олмаганда, ҳеч нарса. Ҳаммаси ўша-ўша. Бекатда автобусларнинг гоҳо соатлаб кутиб қолмас, гоҳода трамвай ё троллейбуслар гала-гала бўлиб келишди. Вақолини, бозор мунсабатидан шариқатда моддий манфаатдорлик хизматидаги сифатида қараб ўзгартириш керак.

Барчамизга маълумки, пойтахт шаҳар жамоат транспорти хизмати иш услубини икки-уч бор ўзгартирди. Бирок...

Аваллари автобусларда кондукторлар патта сотарди. Бу усул ўзини оқимайди. Улар «йўқ қилинди». Сўнг ҳар бир бекатда сон-санокчи назоратчилар «қизғини» фаолият олиб боришдан бўлишди. Бу усул ҳам кўп ўтмай ўз хотимасини топди. Негаки, ҳақ қазибга ўради. Чунки уларнинг йиллик маоши, балки олдидан муқофот пуллари ҳам йўловчиларнинг талашига боғлиқ қилиб қўйилганди.

Яқин бир йил илдириш, ҳайдовчилар жара усулида ишлашмоқда. Бу бир томондан ҳайдовчилар учун яқин. Улар бир бўлса-да, эркин ишлаш ҳуқуқига эга бўлишди. Чўпига ҳам пулга бўлиди. Аммо хизмат кўрсатиш мада-

Ошқора фикр

журналист.

Алиқул СУЛТОН

XX АСР КУНДАЛИГИ

ХАЛҚАРО АЛОҚАЛАР УРНАТИШ МУМКИН

● Фарангистон президенти Франсуа Миттеран бу ерда Арманистон Олий Кенгашининг Рейси-Левон Тер-Петросяни қабул қилди. Франс пресс ахборот мақоласининг Фарангистон томони вакилларига тавлиб хабар қилишчида, 50 минут давом этган бу суҳбат, Фарангистон давлатининг бошлиғи кейинги ақтларда турли шўро жумҳуриятлари, хусусан Болтибўй жумҳуриятлари ва шунингдек, Россия федерацияси раҳбарияти билан ўтказган уршуларнинг давоми деб ҳисобланмоқда.

Уз навбатида Л. Тер-Петросян Елисей саройидаги учрашудан кейин журналистлар билан суҳбатлашиб, бу учрашув, унинг фикрича, «ССЖИ Конституциясини ҳурмат қилган ҳолда» Арманистон мустақиллик сари бошлаган ҳаракат жараёнини «Фарангистон қўллаб-қувватлаётганидан далолат беришини тевқиллади. Шу йилнинг сентябры ойида, деб эслатиб ўтди у, жумҳурият аҳолиси референдум чоғида ўзининг янги Иттифоқ шартномасига мунсабатини билдириши керак бўлади. Бунинг натижасида Арманистон, унинг айтишича, «ССЖИ доирасида янги макомга эга бўлади», бу эса, хусусан, жумҳурият бевосита халқро алоқалар ўрнатиши мумкин бўлишини билдиради.

НОРОЗИЛИК НАМОЙИШИ

● Бир неча ўн юк машинаси, тракторлар, комбайнлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги техникаси қаровини Руминия пойтахтининг марказий кўчаларидан ўтиб, Руминия ҳукумати биноси ёнидаги майдонда вақтинча ҳаракатни тўхташиб қўйди. Мамлакат деҳқончилиқ-саноат комплекси ходимлари эркин касба уюшмалари федерациясининг вакиллари норозилик юриши ташкил қилиб, Руминия ҳукумати қишлоқ хўжалиги соҳасидаги сиебатидан ўз норозиликларини шу тариқа билдиришди.

Номойиш иштирокчилари бу оголхентириш тариқиди сўнги

Ж. БУШНИНГ АЙТГАНЛАРИ

● АҚШ Президенти Жорж Буш Совет Иттифоқи билан қурол-яроғлар устидан назорат тизимини муҳофазат қилиш фақатгина ўтган йилнинг тевқиллади. Оқ уй бошлиғи Гўёки, ССЖИ Президенти М. С. Горбачев билан олий даражада учрашиш галларини рад этди. «Биз ишларни бевосита Горбачев билан олиб боришимиз, — деди Буш. — Биз у билан сиесий ўйнаётганимиз йўқ».

Июль ойида етти давлат раҳбарларининг Лондонда бўлиб ўтадиган учрашувига ССЖИ Президенти тақриф қилиш тўғрисида бундай деди: «Ҳали бир тўхтама қелингани йўқ. Агар Горбачевнинг Лондонда бориши ихлоқотга (Совет Иттифоқида) ердан ботса, бу ҳолда унинг ташифи ниқоят-да муҳим бўлади».

РАЖИВ ГАНДИ билан видолашув

ДЕХЛИ. (ТАСС). Эрта тонданон минг-милягаб қилишлар Жаҳонхалқлар Неруни Деҳлидаги боргоҳи — Тин Мурти Бхаванига кириш учун навбат олдидлар. Бу ерда сойиб Бош вази, Хиндистон Миллий конгресси(И) партиясининг раҳбари Ражив Гандининг жасади видолашув учун қўйилган. Одамлар

ДЕХЛИ. (ТАСС). Эрта тонданон минг-милягаб қилишлар Жаҳонхалқлар Неруни Деҳлидаги боргоҳи — Тин Мурти Бхаванига кириш учун навбат олдидлар. Бу ерда сойиб Бош вази, Хиндистон Миллий конгресси(И) партиясининг раҳбари Ражив Гандининг жасади видолашув учун қўйилган. Одамлар

РАЖИВ ГАНДИНИНГ ҚОТИЛИ КИМ?

ДЕХЛИ. (ТАСС). Хиндистоннинг атоқли давлат ва сиебат арбоби, мамлакатдаги энг патта Хиндистон Миллий конгресси (И) партиясининг раиси Ражив Ганди, тахмин қилишларича, «жоқли бомба» — ўзини ўзи ўлимига мақдун этган аёл томонидан ўлдирилган. Бу аёл кўнунда кучли портловчи қуролга олиб келган эди. Жиноятчининг қимдигини аниқлаш мумкин эмас, чунки унинг таваси парча-парча бўлиб кетган. Мурда қондиларида қуйиб қорайиб кетган сийлар ва элентр батареяси топилди.

Жиноятчи Ланна харбийлаштирилган «Тамил ила» озоқлик йўлбарслари (ТОТИ) гуруҳи аъзоларидан бўлса керак, деган тахминлар айтимокда. Айни вақтда, ПТИ ахборот агентлиғи мухбирининг Лондондан хабар беришича, ТОТИ раҳбарияти Ражив Гандининг ўлдирилишига ўз палиқотида дахлдор эканини рад қилди. Қашмирдаги «Жамму ва Кашмир» озоқ қилиш фронт» элентрест гуруҳи ҳам бундай баъулук учун жавобгарликни ўз бўйига олишдан бош тортиди.



— Гул... — бир пайт ана сўзлашга тутундинг, — келмакда улут расом бўлган, ўшанда оламда дахлатли воқеа юз берди. Одамлар ҳам дахлатга тушиб, деган фикрда эдик. Аксинча ҳеч нарса юз бермади. Олам ўша-ўша, одамлар ўша-ўша... отам ўлди, онам ўлди, чет эллардаги расомлар кўргазмаларида асарларни юксак баҳоладим, бироқ ўзим истаганчалари кўлларида кўтарилимадим... Ўртаол расомлар эса барча муқофотлар, тақинчоқларни олиб ўлтуришди... — дедя кўнглимни кўтариш йўллариини излаб бошладим... — одамларга қоринлари тўйса, кийим-бошлари бут бўлса, бола-чақалари тинч шавшас етди. Пахтада силларлар қуриб, пуштилари айниётган қондошлари билан ишлари йўқ... ҳам-ҳасратлар, чекиллаган фарёдлар гўё улардан ташқарида юз бериётган, уларнинг алоқиси йўқдай... Вақолини юксакдан бошланган сел бир хонадонни эмас бутун бир халқнинг шўрини қуритиши мумкин...

— Дарившой, ишон, ўзимман, — тушунтирдим бир гал қалбим энгил тортиб, — умр ўтди. Кўп ўт-ўнларлар катори гуллар ва дерхатлар билан бирга не-не жонотларни қалбимизга қириб, қўйиб ўлди, уларнинг ўрниндан болалари кў-қариб чиқибди... мана буниси дахлат... — Тан олишим керак, кий бор қалбимда сента нисбатан қондошлик ҳисларини тўйдиму, қадрдон бир ҳис билан тикилдим...

— Ҳали ҳам сўрайсан! — сўрадинг гўё қаршингда ўн етти йил муқаддамги Сафаргул тургандай ҳажжонлиб. «Илҳимага мендан сўрайсан! Илҳима шорта кўтариб олиб, арамчига ўтказиб, қичқиртириб учирмайсан!» деган илд ич-ичидан қўзғалди-ю, бироқ шайтонга ҳайф бериб ўзимни босдим.

— Ҳали ҳам сўрайсан, сўрайдинг вақтлар ўтган... — энди мажбур қилишга ҳам ҳаққин бор... — дедя шивирлаб чекландим-да, еста қориб анҳор қирғоғига айланишдим. Суз тинчига оқарди. Бошқа суварларгайди суз сатҳига баликлар салқимайди... — Сўлинг, икки учун бу сувда балик йўқ! Бунча хосиятсиз бу сув!

— Химазовдан чиқадиган захарлар баликларни ўлдирди, чиндан ҳам хосиятсиз сув... — мингирладинг афтинги тириштириб... — Тощект ақли эрдан илғари шу анҳорини қазиб, Чирчиқдан суз олиб борган. Яқин-яқинларда шу анҳордан суз ичишарди. Суларнинг қифбаси қолди, ўзи эса ўлик... инсонинг сузи билан алоқадор ҳавти суларган...

— Сиз анҳорини ўлиб, катта қуруқ устига ўрнатилган — тахта йўл бўлиб, анҳор ўртасидаги арамчи томон юрдик... — Ушлиб тур, ўтираман, — дегандим. — «Юрагинг хаста-ку» — дедя жавоб қилдинг. Юрагинг хасталигини ўйлайдиган аҳолида эмасдик. Уз билганидан қолма-ди. Йигирма йил эзилган, оқибат хасталик дарағи учраган юрагинг аслида ҳозир дам олаётганди. Тўғри, дуқиллаб ураб, бу эса бошқа дуклилаш эди.

— Қизик, арамчининг қимлар солган экан-а! — Екавайрон болалар солган, аз бўйи шу ерда мол боқиб, қўмиллаш қон куч қилишди... — дегандимда.

— Балки болалар эмас, йигирма йил аввал учрашиб айрилдик...

ганлар, бизга ўхшаб қайта кўришга, арамчи солишганлар... йигирма йилдан кейин арамчида учиб бизга ҳасиб эдик... — дегандим, сен бош ираб «балки...» ишоресини билдиридинг. Кейин арқонини ушлаб турдинг, мен эса авайлаб арамчига ўтирдим. Сен анига чўқдинг. Арамчининг орқиси кўтарилиб кетиб, йиқилишига оз қолди. Пинжинга суқулиб жон сақладим. Оқ, қани энди арамчи узилса, ё ағанасе-ю, иккимин ҳам сува қулса, тўқилганга ҳазонларга қўшилиб, суз тағдигай тулин ойни қўриб олсан, оқаверсан... бу бехт ва бахтсизликни ҳеч қим қурмасе... ана йигирма йил бизни ҳеч қим бевозта қилмасе... ундан кейинги йигирма йил эса мени асло қизиқтирмайди... — Азизим Сўлинг!

Қалам билан қозғ бетини қоралаб туриб вадидирайману, шу кез сен нима билан бандсан, деган ўй мени қийнайтирди. Балки, қонг қотиб улаётгандирсан... Балки, янги расага қўл урғай, тинмай тамани тортиб чизаётгандирсан... Балки, кеҳай учрашув бағрини эста тўлаб-тағандирсан... Яқинси хатини келган ердан давом эттирай...

Арамчига ўтириб олганимиздан сўнг оёқларининг силки-тиб, уни ҳаракатга келтиридинг. Мен эса гўё лаззати ташлар, шохона қиймилари муҳайб бўлган маликалардай ёнингда айрилиб ўтирибман. Арамчи силкинаверини, умр лаҳзалари ҳазон бўлаверини, сулар оқаверини, апроқлар тўқиллаверини, тун тушиши, тонг эса отмаслигини истаб, ҳозирги сонлар абадийга айланиб қолшини аратгандан астойдил сулар-ялман. Ақали мана шу учрашувни ҳам нисиб эттиргани — саҳават қуратгани учун унга шукронелар айтман... Инсоф юзасидан қаралганда чиндан ҳам яратганга шукронелар айтишга бурчлимида-да, ахир, Бу орада қанчадан-қанча умрлар сулди. Бизни эса у мана шу «сулҳиндан асради...» Юрак сулҳини ҳисобга олмаганда барибир асраб қолди. Қизик-да, ахир, Асли бир вужудни иккига бўлиб, яъни бирини қиз тили-солди, иккинчисини йигит тили-солдида яратиб, вақти билан жуфтлаштириб, юракларига эса муҳаббат ҳиссини адо этиб, шу тариқа йўқ ердан болаларни бунёд қилган ҳам унинг ўзи-ку. Чарчадим, инон, миям тутдай тикланиб, дейди. Ҳа, бу дунёда ўйлаб ўнгириб етолмайдиган силлар оламидан, Худо ана оламни, унинг гўзаллигини кўриш учун қиз, овозларни эшитиш учун қулоқ, шулар ҳақида ўйлаш учун мия, ҳаммасини рўйбга қичариш қон қон-жон бергани, ундан ҳам кўра оламни бошқариш имконини ана инсонга топширгани учун унинг қаршида бурчлими. Гапирчи, шу билан дара-аламларини ифодалаш учун тил ҳам яратди. Бобо Алишер айтмоқчи: «Тил инсонни ҳайвондан жузай эди...» Инсондаги мана шу мавжудликлар илоҳийлик билан алоқадор, яъни илоҳий қўннинг самарасидир...

Маэкур сарғарини ўқитиб «аёл эоти қарига», ўлғудай эзма-чурқ бўлиб қолади», дедя афтинги тириштиришини биланман. Майли, бағрининг кенг қил, ақали сўнги хатини ёзаётганида дардини тўқиб олай, зора юрагим йигирма йиллик деб тобиладиган қўлласа... қароғе-қелганимни унутганимча йўқ. Сен арамчининг тинмай силкитиб, бу билан унинг доимийлик ҳаракатини ташминлар, қиттай озор — беришдан ҳайқирдинг. Остинида энчираватган бечора арамчи силки-нар ва қўлдан бери суз сатҳида муваллоб турган ҳавони чаяқалтарлар, дерхатлар устига мина бошланган тулин ой эса майдая тўқилган орасида эғилди, синиб ана — турганлар, сўнг бизнинг аксинизга қоршиб кетарди. Маълум муддатга сендан узилдим ва узоқларда қолган мунгисина эрим, вужудимнинг бўлақлари — фарзандларим ҳақида ўйлаб бошладим.

Қулча юзди, бўйи ўртадан пастроқ, яқинда қорин қўйиб

INTERNATIONALE FILMFESTSPIELE BERLIN




Берлинда 41-кинофорум бўлиб ўтди. Бу фестивалда америкалик режиссёр Франсис Форд Копполиннинг «Муртингир» ота. Учтинчи бўлиш» фильми тортинчи марта ДПА — ТАСС сурати.

КВМДАК

ДАМ ОЛИШ САХИФАСИ

«Нишона»



Толбикон ТУРАҚУЛОВ 1969 йилда Қашқадарё вилоятининг Косон ноҳиясида туғилган. ТошДТ ўзбек фильмография кўлининг 1.Босқич кўли. 6. Шерларни муҳжур. 1.т матбуотда илк бор эълон қилинганда.

ОЙБЕК УЙ МУЗЕЙИДАГИ ЎЙЛАР

Ховлида ҳаётнинг парчаси ётар, Кўлулар, қувончлар қувилган ховли. Узилган янрақлар даҳнатга ботар, Оқ, умр шу бўлса қишлоқ-қаровли.

Синдиримас қадамлар сукут эшитин Сятимас хаёлнинг шаффоф пардаси Ховлида тебратар ҳаёт бешинин Тин олган юракнинг нотинч алласи.

Ховлида ҳаётнинг парчаси ётар...

Ҳаётнинг парчаси ётар, Тулли қарғаб юривераман, Чинарай деб ёдимдан сени, Яна-яна ўйлайверамаман. Бу оғир дард, бу оғир азоб, Қипригимга осилган ёшдир. Сени эса тилсиз, бесадо Остонамда эгилган бошдир.

ТҮРТЛИК

Кўксининг оловга отган бандаман, Ҳар кеч оқ қорондан бошқа дунём йў. Нимани? Нимани, қандай ёсаман, Тугилишинг азоб булчалар қўша...

Толбикон ТУРАҚУЛОВ.


Махбۇслар

спартакмадаси

Бундан бир ярим йил олдин бу ҳақда «Советский спорт»да ёзилган: «Пермининг «Динамо» командаси жаҳо ўтаётган болалар билан ҳамкорлик қилапти. Сиз ортида мусобақалар ўтказилмоқда...» Биров ишонди, биров ишонмади. Тўғриси, ўшанда баъзилар «қўйсанглари», ахир қамондагилар билан футбол ўйнаб, оёқ ортираридинглар? Ҳаммаси ўғри, чўт-таккесар, жиноятчи бўлса, деб қўл силтаганди. Бу тажрибани ўша йили вилоят ички ишлар бошқармасининг бошлиғи Валерий Фёдоров тақлиф этди. Шундан бери қанча сувлар оқиб кетди. Орада Фёдоров генерал-майорликка кўтарилди. Россия ҳақ депутатлигига сайланиб, жумҳурият Олий Кенгашига аъзо ҳам бўлди. Лекин пермин «дуслари» билан алоқасини узмади.

Бу гал қизиқ бўлди. Вилоятдаги спорт мактаблари тарбияланувчиларининг спартакмадасини ўтказиш ҳақида гап чиқиб қолди. Шунда «Фёдоровнинг болалари» ҳам қатнашса қандақ бўларкин, деган тақлиф ҳам тушди. Бу кўпчиликлари маъқул бўлди. Сўнгра махбۇсларнинг ота-оналари, яъни кишиларига хатлар йўллади.

Мусобақа жуда қизиқ вазиёда ўтди. Ҳатто спортчи болалар орасида жиноятчиларнинг борлигини ҳеч ким сезмади ҳам. Ёпирилган кўни бир журидан мутасаддилардан сўраб қолди: «Жиноятчилар қайсилар?» Тақлифчилик кўли: «Яхшилаб музатинг, стол устиданги шпиринликларни уялигинга олиб «ейиштанларни», деб жавоб берди...



МУНАВВАР ДАВРАДА БАХТИЕР ҚИЗЧА ҚИЗЛАРХОН БУЛМОҚНИ ИСТАЙДИ...

Н. МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.

БИР ҚОШИҚ, МИНГ ҚОШИҚ

Самарқанд Давлат дорилфунуни биология кўллиёти 3 курс талабаси Маҳмудов Раҳматова турли қилиб-қилиб «Ғош қошиқларини янги қизикди. Ҳозир у 80 дан ортиқ ана шундай «бойлик»га эга. Улар ичида ҳинд, эрон, испан, немис, латин, белорус, эстон, молдован, қозон, хитой халқлари миллий қошиқларини ўқитиб муамки.

Шунинг алоҳида айтиш кераки, булар ичида ўзбекистон миллий ғош қошиқларини, айниқса, қўшиқ алоҳида ўқиб тутади. Унинг энг ахши хусусиятидан бири, дастаси учта илғам борлиғидир. Ана шу илғам сабаб қўшиқ қозон ичида тушиб кетмайди. Сузги томон эса тановул қилинадиган оқатини бир нуқтага тўплаб беради. Бундан кўриниб турибдики, қадимги қошиқсоз усталарининг чўмичининг дар томонлама қўлаги ва мукамал бўлишига эътибор беришган.

З. ШАМСИЕВ.

ЖАВЗО

ЮЛДУЗЛАР ТУРКУМИ

(22 МАИ 21 ИЮНЬ)
● НОНАҚИЛИК БЕЛГИСИ — ҲАВО МУШОҲАДАКОР ●

Тиниқ айл ва соғлом мушоҳада жавзо ойда туғилганлар учун хосдир. Улар ўзгалар билан баҳслашишни, тортишувни хуш кўришади. Улар тез ўзарувчан ва таъсирчан. Сўхбат қуриш ва тинглашга анча мойил бўлишади. Жавзолар эскирган фикрлар ва турғунлик ҳўми сурган давр кишилари билан ҳеч нелиша олишмайди. Ҳўмуман олганда, улар ҳўшчақчақ ва кучли, оинқ инсонлардир.

Жавзо юлдуз туркумида туғилганлар инсонлар ўрта-сидаги муаммоларнинг фарқида борувчи, сибсагга қизиқувчан бўлишади. Улар тез мутолаа қилишади, вақтли нашр ва турли адабиётларни қараётганини кўришади. Ҳў ният ва режаларини ўзгалардан доимо сир тутишади. Бу туркумда туғилганлар қадди-қомати келишган, ўрта бўйли, хушбичим, кўзлари сермазмун инсонлардир. Қарама-қаршилик. Ҳў истақларига қарши чиқини ҳоллари ҳам улар учун табиий.

Улар кўп, қаттиқ меҳнат қилишади. Ҳўлари ҳақида ўйлаш ва дам олиш учун дёрлар фурсат топинишади. Шунинг учун уларда сурункали ва ўткинчи дорларга қалиниш хавфи кўпроқ. Дорларига эса кўпроқ тоза ҳаво, қўёш нури ва табиат қўйиндан шифо топинади.

Жавзолар ҳаётининг чегараси йўқ, улар барча ишда етуғилликка интилишади. Бойлик, шон-шўҳрат, муҳаббат уларга ҳамиша намлиқ қилади. Улар доимо нимадандир қониқинишади. Катта истёрод ва ғайрат яшириниб ётгани билан қўлинича шу сифатларни рўёбга чиқаришга сабр-тоқат етишишади. Жавзолар дёрлари доимо ўзларини англаб етишишади. Шунинг учун ҳам ўзгалар қўзига галати кўринишади.

Жавзо юлдузлар туркуми оламга жуда кўп буюқ алломалар, адиллар, санъаткорлар, олимларни берган. Шу ойда туғилганлар болаларини севишади ва ўзларини ҳам болалардек тутишади.

Улар одамларга ҳўм ўтказишни уйдасидан чиқинишади. Йиллатиб, мулдириш ҳам улар учун жуда осон иш.

МАКТҮБ

Муҳтарам халқимизнинг мард, кўркмас посбонлари! Анчадан бери сизларни кўриш, ҳў-аҳвол сўраши ниятидаман. Тўғрироғи, айбимни бўйнимга олмоқчиман. Эшитишимча, қилган жиноятини вақтидан олганга енгилроқ жаҳо бериларкан. Шу боис бир эйлик мактуб ёзишга ўтирдим. Ҳўлас қалом, азизлар, бехос жиноятга қўл уриб қўйдим. Эндиги ҳаётим сиз — мард посбонлар қўлида. Вайсайвериб кўпам бошингни қотирай. Гапнинг пўст қалласи шундоқ бўлди.

шарт қўйди. Биринчиси, ал-лақайдир элинги палтоси, икинчиси чех этини, учинчиси эса ёғни қийим-бош. Ҳўмнинг ҳўаммаси кетадиган. Ҳўтинларга ҳам хайросан, ўзини мамлакатнинг иқтисоди-чотон, қийим-кечагинини қўй-тур. Бу пулни давлатимиз қасасига топирайлик, сал боисини. Ҳўним чеч мамла-катлар орасида изва бўлаётгани етар, дедим. Лекин ҳўтин ҳеч тушунмапти. Асли ўқимаган-да.

Ҳа, майли ҳўлас қалом, ўз айбимни бўйнимга олапман. Сизлардан илтимосим, маана олти минг сўмин давлат ҳўсобига ўтказишиб, жа-

Эндиги масала пулни топширсангиз, жаҳо бироқ енгиллашади. Лекин шундаим, бир, икки йил ўтириб кели-шнингизга тўғри келади. Шу-ни эслатиб қўй, агар пулни топширгангадан кейин ҳам «ўтириб» келишни хоҳламасангиз яна уч минг сўм қўшимча тўлашингизга тўғри келади. Қонунда шундай қўрсатилган. Ҳўлас, гапларингизга тушунганингиз, ўртоқ Кўчқорбой Қўзи ўғли.

Дароқе, пулни биз Сиздан олишимиз керак. Агар уни ўз қўлингиз билан берсангиз ашаддий жиноятчи қоб-собиласиз. Шунинг учун ол-ти мингга мен айтган уч мингга қўшиб, қатта йўл бу-рилишидаги сибмоҳ тағнага қўшиб қўйинг, у ёғини ўзимиз бақарамиз. Ушбу опера-цияни мактубим олган заҳоти удалашга киришинг. Мабо-до, керак бўлсангиз қақира-миз.

Органнинг қатта ёшулиси Бўрибой Техникўр ўғли.

МАКТҮБ

Ҳурматли посбонимиз Бўрибой Техникўр ўғли ака! Соғ-омонимиз? Ушбу мактубим ҳўн-ҳўн йилгаб ёза-илман. Бундан бир соатча илгари Сиз юборган хатни олиб севиш билан ўқибман эдим, эшик тақиллаб қолди. Ҳўтин даъвати дарров эши-нин оза қолди. Тўрт барзанг-чи ховнага бостириб кирдию, пичоқ ўқталиб бор-ўғимизни олиб кетди. Ушларнинг орасида Сизга бермоқчи бўлган олти минг ҳам бор эди. Везо-рилар сариқ чақа ҳам қол-диришмади. Энди яна қиларимни билмай сизга мактуб йўллапман. Ердан бери-н?

Дуон салом билан бечора Кўчқорбой Қўзи ўғли.

ЖАВОБ


Ўртоқ Кўчқорбой Қўзи ўғ-ли! Мактубингизга сираям ту-шунмадим. Ҳўзингизни йўқот-манг. Айтилган нарсани ай-тилган жойга қўшиб қўйинг. Ҳўаммас жойида бўлади... Органнинг қатта ёшулиси Бўрибой Техникўр ўғли.

ТЕЛЕГРАММА

Студент ўғлим, Ўроқжон! Тез етиб кел! Отанг (Кўч-қорбой) инфаркт бўлиб қол-ди.

Онаш.

Мактубларни нашрга тай-ёрловчи Худойберган ЖАВБОРОВ.



Қишлоқнинг «тўрида» Матинез шиллик деган жу-рам бор. Ҳўн жуда одамхоун, сергал йилги. Шу денг, бун-дан бир ой илгари ўйимизга келиб, қизимни ўқиниша кир-тишга ердлашасан, деб ту-риб олди. «Мана шуни олиб қўй, хамир учидан папир», деб бир даста пуд — 6000 сўм ташлаб кетди. Аввалга бошим қўлди, Кейин бирдан эсимга олиб билимгоҳда иш-лайдиган яқин оғайини Олим тушиб қолди. Эртасига бор гапни унга айтдим. Фақат «нақасидан» оғиз очмадим. Дўстим ҳам зўр ердан қил-ди. Бечора кечаси уйга ке-либ, Матинезнинг қизига иш-шо ёздириб кетди. Ҳўрақалай қиз қабул қилинди. Анаву «касофат» эса менда қолди. Аввалга бермоқчи бўлдим. Аммо ҳафа бўлар деб... Энд-и эса вилдон қўрғур роса қийналатди.

Ҳўнда бувамдан қолган чопонинг қисасига ишприб қўйган ўша олти мингга ҳў-тин топиб олиб, роса жанжал кўтарди. Кечқурунча бориб «жанг» авинга миниб кет-ди. Нонлоқ ростини айтдим. У ҳам бўш келмади. Учта зойимни сал бўлсам енгил-латишга ердан берсангиз. Сизлардан бошқа ердан бе-радиган кимса йўқ. Умр бу-йи хизматинида бўлай.

Сизларга дуон салом билан Кўчқорбой Қўзи ўғли.

ЖАВОБ

Ўртоқ Кўчқорбой Қўзи ўғ-ли! Йўллаган мактубингизни олдим. Жуда ёмон ишда қў-либ қўйибсиз. Визинг ай-ни қундаги ваифамизга пора-хўрликка қарши қурашидан иборатдир. Сиз фалон жин-ют Макмуасидан фалончи моддани қўлоб равишда буз-гансиз. Яхшиям эсимизга жо-йида экан, хабар қилдингиз. Акс ҳўлда узоқ йиллар... «ўтиришингиз» мумкин эди.

Собиронин НОМОВ.

СУРАТЛАРДА: соҳиблар номини ва бузоқлар билан. Сураччи: А. ИКРОМОВ.

Боворда чорва молининг нархи осмонда. Вир тутам хайша ёни бир кило ем палон сўм. Табиат ўз мўъжизасини ҳар кан-дай шароитда ҳам мўъжза қиларкан экан.

Пенент шаҳрининг Гулистон маҳалласида истиқомат қил-аётган Облоқул Назирқулов бундан уч йил муқаддам бовордан битта сигир сотиб олган эди. Вун кирангис, сигир ўша йили, ён исинта бузоқ ҳада этди. Болаларнинг оғам сўт-қатнича те-гиб қолди. Орадан яна бир йил ўтган, воддор говмиш битта эмас, иккита эмас, тўртта туғди. Лекин бузоқлар йирин бўлгани учун она иориндаёқ димқиқиб ноубуд бўлди.

Бу йил говмиш Назирқуловлар қондонига яна нут-барана тортиқ этди: говмиш тушматур тўртта бузоқ туғиб берди. Бу-зоқларнинг биттаси икки кун ялаб ноубуд бўлди. Қолган учта, си соғлом ўсмонда.

Ховадон аъзолари уч йилда 10 беш бузоқ туққан экан, аотдор говминдан гоят миннатдорлар.

СУРАТЛАРДА: соҳиблар номини ва бузоқлар билан. Сураччи: А. ИКРОМОВ.

Бўлимлар: йиллар сибсати — 32-57-93; ижодкор йиллар — 32-55-96; иқтисодий ва экология — 32-58-47; фан ва халқ таълими — 32-58-48; тарих ва маданий мерос — 32-58-47; спорт ва ятандарпарварлик — 32-55-91; хатлар ва оммавий ишлар — 32-58-57; ахлоқ ва ахборот — 32-57-52; қабулхона — 32-58-58.

Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон КП МК нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси.

4-бет • «Еш ленинчи» • 1991 йил 25 май



26 МАИ — ЯҚШАНБА

18.00 «Сеҳрли сандиқ», «Ҳосил байрами», «Дайди туғининг қайтиши», Мулт-фильмлар. 18.30 Болалар учун. «Кичинтой» кўрсату-ви. 18.55 «Сихат саломат-лик». Илмий-оммабоп кўрсату-ви. 19.30 «Ахборот» (рус тилида). 19.50 «Ешлик» студияси кўрсатади. «Истиқ-бол». 20.30 Москва. «Вақт». 21.15 «Яқшаба оқишмида». Мушиқ кўрсатуви. 21.55 Тижорат хабарлари. 22.00 «Ахборот». 22.20 «Деҳон ва замин». 23.00 «Вафо қи-лурмисан, баҳорим». Ҳўбе-кистон халқ шоирини Абдулла Орипов таваллудининг 50 йиллигига бағишланган ада-бий кеча. 00.40 Эртанги кўрсатувлар тартиби.

6.00 «Қалбада севиш». Хўнжатли фильм. 6.30 «Тонг юлдузи» (такорр.).

14.45 Режиссёр Г. Натан-сон фильмлари. «Катта опа». Бадиий фильм («Мосфильм», 1966 й.). 16.25 Снейс муло-қотлар. «Ким аслида қим?» 17.40 «Уолт Дис-ней таништиради...» 18.30 Яқшаба кинозали: Мулт-фильмлар премьераси: «Ки-рилл Туровский». Илмий-оммабоп фильм премьераси («Беларусфильм»), «Тунги дахшат». Бадиий фильм (АҚШ, 1946 й.). 20.30 «Вақт». 21.15 МТнинг олтин хазирасидан. А. Н. Островский. «Белугининг урлагини». К. С. Станислав-ский номи Москва драма театрининг фильм-спектакли, Танаффус пайтида (22.50) — «Хронограф».

САХИЙ СИГИР



«Еш ленинчи» рўномаси хўзуридаги «Шўла» адабий уюшмасининг навбатдаги мажлисида шу йил 26 май икшанба кўни соат 13.30 да жумҳурият йилларнинг «И-ҳўм» клубида ўтказилади.

Унда Ҳўлтон мукофоти-нинг совриндори, шоир Айим Сулоқ билан ҳўирги шеъринингизнинг ахволни навузда сўхбат ва мулоқо-ла бўлади. Ушунга аъзоларни ва барча шеърят мулли-ларини тақлиф қилади.

Бош муҳаррир ўринбосари Аҳрор АҲМЕДОВ.

ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Ж. РАЗЗОКОВ (бош муҳаррир), М. АБДУСАМАТОВА, З. ОҒИН-ХўЖАЕВ, К. РАҲИМОВ, З. РИХСИ-ЕВ (насул қотиб), С. РУСТАМОВ, Қ. ЭШ-МАТОВ, Т. ХАНИТОВ.

Табъси этувчи: Ўзбекистон ЛКЕИ Марказий Қўмитаси (УЧРЕДИТЕЛЬ ЦК ЛКСМ УЗБЕКИСТАНА)

Рўнома 1925 йил 8 февралдан чиқа бошлаган.

Ўзбекистон КП МК нашриятининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаханаси.

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Индекс: 64607. 380.000 муҳсада чоп этилади.

Қўлзмалар ҳамда суратлар муал-лифларга қайтарилмайди ва тақимл этилмайди.

Рўномамиз ҳафта-ининг сешанба, чоршанба, жума, шайба кўнлари чиқади.

Яна рўномата кўришунга!

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Индекс: 64607. 380.000 муҳсада чоп этилади.

Қўлзмалар ҳамда суратлар муал-лифларга қайтарилмайди ва тақимл этилмайди.

Рўномамиз ҳафта-ининг сешанба, чоршанба, жума, шайба кўнлари чиқади.

Яна рўномата кўришунга!

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Индекс: 64607. 380.000 муҳсада чоп этилади.

Қўлзмалар ҳамда суратлар муал-лифларга қайтарилмайди ва тақимл этилмайди.

Рўномамиз ҳафта-ининг сешанба, чоршанба, жума, шайба кўнлари чиқади.

Яна рўномата кўришунга!

Манзилгоҳимиз: 700083. Тошкент, Ленинград кўчаси, 32-уй.

Индекс: 64607. 380.000 муҳсада чоп этилади.

Қўлзмалар ҳамда суратлар муал-лифларга қайтарилмайди ва тақимл этилмайди.

Рўномамиз ҳафта-ининг сешанба, чоршанба, жума, шайба кўнлари чиқади.

Яна рўномата кўришунга!